

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES | RESPUBLIKA KO'P TARMOQLI ILMYIY KONFERENSIYA


YANG O'ZBEKISTON: INNOVATSIYA, FAN VA TA'LIM

CONFERENCES.UZ

2023

DAVRIYLIGI: 2018-2023

DUNYODA BIRINCHI KASHF
ETILGAN ELEKTR BATAREYA



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORIJY OLIY TA'LIM MUASSASALARI PROFESSOR-O'QITUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR, MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR

 TOSHKENT SHAHAR, AMIR
TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.

 +998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00

 WWW.TAQIQOT.UZ
WWW.CONFERENCES.UZ

 MAY
№52

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИННОВАЦИЯ, ФАН
ВА ТАЪЛИМ
1-ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
ИННОВАЦИИ, НАУКА
И ОБРАЗОВАНИЕ
ЧАСТЬ-1**

**NEW UZBEKISTAN:
INNOVATION, SCIENCE
AND EDUCATION
PART-1**

ТОШКЕНТ-2023



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги республика 52-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 май 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 32 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофик:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари тахтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Хамидович «ТИИМСХ»

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Бекчанов Алишер Илхамбоевич ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗА: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ	7
2. Арипов Тимур Усанович УЧАСТИЕ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В ПРОТИВОДЕЙСТВИИ КОРРУПЦИИ ..	10
3. С.С.Солимухаммаджонов БОСҚИНЧЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ТУШУНЧАСИ, ТАВСИФИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУ- СИЯТЛАРИ	15
4. Якубова Ирода Бахрамовна О'ЗБЕКИСТОНДА МУАЛЛИФЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.....	19
5. Сайдуллоев Аҳадхон Абдуллоевич КРИМИНОГЕННЫЕ ФАКТОРЫ В МЕСТАХ ЛИШЕНИЯ СВОБОДЫ.....	21
6. Исаев Хусинддин Абдунабиевич ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШДАН ИХТИЁРИЙ ҚАЙТИШНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИ- ХАТЛАРИ	26
7. Фаррухжон Раҳматов БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ ТУРЛАРИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ МУАММОЛАР	28



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗА: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

Бекчанов Алишер Илхамбоевич,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси
E-mail: a.i.bekchanov@gmail.com

Аннотация: Мазкур тезисда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда қонуний манфаатлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш бўйича назарий ёндашувлар ва қонунчилик нормалари тадқиқ этилган. Тезис якунида “гендер-ҳуқуқий экспертиза” тушунчасига муаллифлик таърифи берилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга таклиф ишлаб чиқилган.

Калит сўзлари: гендер, қонун, экспертиза, хотин-қиз, ҳуқуқ, қоида.

Сўнги йилларда, юртимизда деярли барча соҳаларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминланган бўлиб, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилганлигини таъкидлаш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон тарихида илк маротаба парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етиб, парламентдаги хотин-қизлар сони қарийб 32 фоизга етди ва дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди[1].

Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, ушбу соҳада бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, 2 та қонун, барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқ, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга қаратилган 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш бўйича стратегия ишлаб чиқилган[2].

Миллий қонунчилик тизимида гендер тенгликни таъминловчи асосий восита бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг гендер-ҳуқуқий экспертизасидир. Зеро, мустақам қонунчилик базаси хотин-қизлар ва эркаклар тенглигини қонуний жиҳатдан таъминлашнинг самарали механизмидир.

Бунга оид тадқиқот ишларида “хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинларини қонунчилик асосида таъминлаш масаласи турли омилларга, жумладан, ҳуқуқий маданият, қонун ижодкорлиги тажрибаси, фуқаролик жамиятининг шаклланиш даражаси кабиларга мос тарзда юз берганлиги ҳамда қабул қилинаётган қонунларда гендер тенгликни таъминлаш механизмларини мустақамлаш жоизлиги” қайд этилган[3].

Бугунги кунда, қонунчилик ҳужжатлари ва лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тартибга солинади.

Махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 мартдаги 192-сон қарори билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжат асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизасини куйидагича таҳлил қилиш мумкин.

Жинсий мансублигидан қатъи назар, шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари,



имкониятлари ва жавобгарликларини белгилашда юзага келиши мумкин бўлган номутаносибликларни бартараф этиш мақсадида жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳалари, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади[4].

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизаси:

- жинс бўйича бевосита ва билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёки унинг лойиҳасини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқ эмаслигини аниқлашга;

- жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш оқибатларини умумий баҳолашга;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ва камситиш хусусиятига эга хавфларни аниқлашга;

- жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситишга йўл қўядиган ва аниқланган нормаларни бартараф этишга йўналтирилган тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилгандир[5].

Ушбу мавзуда ҳам қатор илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, “гендер-ҳуқуқий экспертиза” тушунчаси юзасидан ёгона ёндашув шаклланмаган.

Ҳуқуқшунос олим Х.Ҳайитов ўзининг тадқиқот ишларида қонун лойиҳалари гендер экспертизаси тушунчасига – “инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий фаолиятнинг муайян тармоғи бўйича етук билим ва тажрибага эга бўлган экспертларнинг қонун лойиҳалари мазмунида эркак ва аёлларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий имкониятлари ўртасидаги тенгсизликни баҳолаш ва турли гендер камситишларни бартараф этиш юзасидан, натижаси ҳулоса тарзида расмийлаштириладиган текширув” деб таъриф берган[6].

П.В.Соловьевнинг фикрича, гендер-ҳуқуқий экспертиза бу махсус ваколатли давлат органи ёки бошқа субъект томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёхуд унинг лойиҳасини гендер тенглиги тамойили, эркак ва хотиннинг ҳуқуқ ва имкониятлари тенглигини таъминлаш тамойиллари бўйича баҳолаш фаолиятидир[7].

О.А.Короткованинг таъкидлашича, “қонунчиликнинг гендер экспертизасини ўтказиш жараёнида фарқлар ва камситиш ҳуқуқи ўртасида гендер ёндашуви ўтишга имкон бермайдиган нозик чизик борлигини тушуниш керак. Қонун ижодкорлиги соҳасида гендер ёндашуви уларнинг биологик хусусиятларини қамраб оладиган эркак ва аёл ўртасидаги фарқлар ҳуқуқини акс эттирмасдан мумкин эмас. Ушбу фарқлар, шубҳасиз, қонун чиқарувчи томонидан қонун ижодкорлиги жараёнида ҳисобга олинishi керак, аммо улар аёллар ва эркаклар учун маълум афзалликларни ярата олмайди. Конституциявий ҳуқуқлар ва қонуний манфаатлар мувозанатини қатъий фарқлаш ва сақлаб қолиш учун гендер экспертизасининг энг муҳим вазифаси бўлган ушбу турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳар бир қонун лойиҳасини ёки қонунни чуқур таҳлил қилиш талаб этилади”[8].

Фикримизча, қонунчиликда “гендер-ҳуқуқий экспертизаси” тушунчасига берилган таърифнинг айрим жиҳатлари юзасидан қуйидагиларни келтириш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонун 3-моддасида “гендер-ҳуқуқий экспертиза — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш” деб ҳуқуқий тавсиф келтирилган.

Мазкур тушунчага эътибор қаратилса, “имкониятлар” тушунчаси қўлланилган. Бирок, имконият тушунчаси кенг қамровли бўлиб, ўз ичига бир нечта масалаларни қамраб олган умумий тушунча ҳисобланади. Яъни, мазкур тушунча доирасида айнан нималарни англаш мумкинлиги аниқ ифодаланмаган.

Масалан, Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида “имконият” (*арабчадан – мумкинлик*) тушунчасини – зарур ёки қулай шарт-шароит ёхуд юзага чиқариш учун мавжуд куч-қудрат” деб изоҳланган[9]. Бунда ҳам англаш мумкинки, имконият иккала тавсифга ҳам боғлиқ.

Ваҳоланки, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг Ягона услубиёти 5-бандида келтирилишича лойиҳада “кўп маънони



англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар” қўлланилишига йўл қўйилмайди[10].

Бизнингча, **гендер-ҳуқуқий экспертиза** деганда “қонунчилик ҳужжатлари ва лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда қонуний манфаатларни таъминлаш нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш”ни тушуниш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифни илгари суриш мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонун 3-моддаси биринчи қисмида келтирилган “гендер-ҳуқуқий экспертиза” тушунчасига берилган таърифни:

“норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда қонуний манфаатлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш” тарзида таҳрир этилиши ўринли.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://lex.uz/docs/5466673>
2. <https://xs.uz/uzkr/post/gender-huquqij-ekspertiza-bojicha-amalij-qollanma-ishlab-chiqildi>
3. Хайитов Х.С. Қонун ижодкорлигида экспертиза ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Юридик фанлар доктори (DSc) ... дис.автореферати. Т.: 2018. – Б.23.
4. <https://lex.uz/docs/4777291>
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.03.2020 й., 09/20/192/0386-сон.
6. Хайитов Х.С. Қонун ижодкорлигида экспертиза ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Юридик фанлар доктори (DSc) ... дис.автореферати. Т.: 2018. – Б.23.
7. Соловьев П.В. Гендерно-правовая экспертиза нормативных правовых актов как элемент нормотворческого процесса и способ защиты конституционных прав граждан в Республике Беларусь // Вестник Полоцкого государственного университета. 2018. №6. – С.196.
8. Короткова О.А. К вопросу о целях гендерной экспертизы законодательства // Ученые записки Тамбовского отделения РoCMY. 2019. №14. –С.119.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / 5 жилдли. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 202.
10. <https://lex.uz/docs/5378966#5381440>



УЧАСТИЕ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В ПРОТИВОДЕЙСТВИИ КОРРУПЦИИ

Арипов Тимур Усанович,
магистр Высшей школы судей при
Высшем судебном совете Республики Узбекистан.
Телефон: +998998791787
tima.aripov@bk.ru

АННОТАЦИЯ: В данной статье изучено роль институтов гражданского общества в обеспечении эффективности борьбы с коррупцией. Также сделаны научно-теоретические выводы по повышению роли институтов гражданского общества в борьбе с коррупцией и разработаны практические предложения и рекомендации.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: Гражданское общество, коррупция, противодействие коррупции, власть, государство, институт.

Во все времена коррупция была, есть и будет основным источником, и гарантом криминализации общественной жизни, ее деградации. Неслучайно древние римляне включали в это понятие столь емкое содержание, раскрывающее логическую взаимообуславливаемую связку явлений: подкуп - порча - упадок.

Коррупция представляет собой системную угрозу безопасности Узбекистана, подрывающую стабильность государства и общества, препятствует проводимым экономическим и социальным реформам, создавая негативный имидж Республике Узбекистан на международной арене. Она негативно влияет на национальную экономику, заранее ставя в неравное положение коррумпированных и честных предпринимателей (местных или иностранных), подрывая конкуренцию на внешнем и внутреннем рынках. Коррупция является как условием, так и следствием функционирования теневой экономики, падения нравов и деградации общественно-политической жизни.

Коррупция искажает экономическую и финансовую среду ведения бизнеса, уменьшает эффективность государственного управления, стимулирует к инвестициям, сдерживает экономическое и политическое развитие, порождает социальное неравенство, а также вносит определенную нестабильность в политический процесс.

Таким образом, коррупция, внедряясь в различные сферы экономики и общества, продолжает оказывать деструктивное влияние на устойчивое социально-экономическое развитие страны и поэтому остается серьезной угрозой ее национальной безопасности.

Коррупция не только подрывает доверие населения к государственным органам, в том числе к правоохранительным органам и судам, но причиняет огромный и чаще всего невосполнимый имущественный ущерб бюджету государства, так как похищенные коррупционерами денежные средства практически никогда не возвращаются в бюджет страны.

Несмотря на предпринимаемые в нашей стране меры по противодействию коррупции уровень коррупции все еще остается достаточно высоким. Это подтверждается результатами различных научных исследований, проведенных в нашей стране, а также исследованиями, ежегодно проводимыми независимым Международным движением по противодействию коррупции Transparency International.

Мер, принимаемых в настоящее время органами власти для противодействия коррупции, явно недостаточно, а общественность зачастую привлекается к этому делу по остаточному принципу. Из-за этого эффективность противодействия коррупции не может быть высокой, так как одним из важных субъектов противодействия коррупции является гражданское общество, возможности которого используются у нас далеко не в полной мере.

Коррупция - это явление сложное, поэтому система противодействия коррупции должна быть разносторонней, с активным участием всех субъектов противодействия коррупции. Важную роль в противодействии коррупции играет гражданское общество. Эффективность мер противодействия коррупции не может повыситься без активного участия в этой работе гражданского общества.

В установлении эффективной системы противодействия коррупции должны быть



заинтересованы практически все составляющие гражданского общества: частный сектор, общественные организации, религиозные деятели, пресса, профессиональные организации и, конечно же, рядовые граждане, ежедневно испытывающие на себе последствия коррупции.

Гражданское общество - это сфера самопроявления свободных граждан и добровольно сформировавшихся ассоциаций и организаций, независимая от прямого вмешательства и произвольной регламентации со стороны государственной власти. Гражданское общество должно выступать как фильтр требований общества к политической системе, в том числе в сфере противодействия коррупции.

Главная цель, стоящая перед гражданским обществом, - устранение условий и предпосылок для возникновения коррупции с учетом того, что противостоять коррупции как системному явлению может только система мер, выстроенная властью совместно с гражданским обществом.

Институты и организации гражданского общества призваны обеспечивать реальные гарантии прав и свобод человека, которые грубо нарушаются коррумпированными чиновниками.

Гражданское общество выполняет функцию социального контроля по отношению к органам государства, лицам, работающим в этих органах. Оно независимо от государства, располагает средствами, с помощью которых может заставить индивиды соблюдать общественные нормы, обеспечить социализацию и воспитание граждан, в том числе и антикоррупционное воспитание.

Международно-правовые стандарты в сфере противодействия коррупции предполагают необходимость активного вовлечения в эту деятельность институтов гражданского общества. Так, в Конвенции ООН против коррупции, участницей которой является Республика Узбекистан, этому аспекту посвящена отдельная, 13 статья - «Участие общества», в соответствии с которой «каждое государство-участник принимает надлежащие меры, в пределах своих возможностей и в соответствии с основополагающими принципами своего внутреннего законодательства для содействия активному участию отдельных лиц и групп за пределами публичного сектора, таких как гражданское общество, неправительственные организации и организации, функционирующие на базе общин, в предупреждении коррупции и борьбе с ней и для углубления понимания обществом факта существования, причин и опасного характера коррупции, а также создаваемых ею угроз».

В ст. 4 Закона Республики Узбекистан от 03 января 2017 года «О противодействии коррупции» в числе принципов борьбы с коррупцией указан принцип взаимодействия государства и гражданского общества.

В действительности реальное взаимодействие власти с институтами гражданского общества нередко подменяется приглашениями к участию в формальных совместных совещаниях и заседаниях, не связанных с принятием и выработкой конкретных мер.

Существует множество форм участия гражданского общества в сфере противодействия коррупции. Одной из действенных форм являются средства массовой информации, которые во взаимодействии с органами власти воспитывают граждан в духе уважения права, способствуют утверждению в массовом сознании демократических ценностей и понимания опасности коррупции. СМИ получают и распространяют информацию о фактах коррумпированности во всех сферах общественной жизни, осуществляя тем самым своеобразный контроль за деятельностью органов власти.

Формой взаимодействия государства и гражданского общества в антикоррупционной сфере является рассмотрение обращений, поступающих от граждан и организаций в государственные органы и содержащих информацию о коррупции. Такие обращения являются своего рода индикаторами коррупционных рисков в деятельности органов публичной власти, основой для принятия управленческого решения по предупреждению коррупции.

Механизм взаимодействия государства с гражданским обществом в сфере противодействия коррупции характеризуется специфическими качественными и количественными показателями, в числе которых можно назвать, например: количество мероприятий по повышению уровня правосознания; количество участников правоотношений, вовлеченных в мероприятия по повышению уровня правосознания; количество выдвинутых гражданских инициатив, направленных на противодействие коррупции; количество проведенных



общественных антикоррупционных экспертиз проектов нормативных правовых актов; доверие к власти со стороны граждан; убежденность населения в необходимости борьбы с коррупцией; информированность населения о ходе и результатах борьбы с коррупцией; степень вовлеченности институтов гражданского общества в проведение антикоррупционных мероприятий совместно с государственными органами; прозрачность деятельности органов власти и др.

Особого внимания заслуживает включение в состав рабочей группы по разработке проектов законов при органах, осуществляющих принятие соответствующих антикоррупционных нормативных актов представителей гражданского общества, например, сотрудников негосударственных экспертных учреждений, которые состоят из представителей гражданского общества, цель которых - анализ качества соответствующих законов и деятельности государственных органов.

Статьей 14 Закона Республики Узбекистан «О противодействии коррупции» предусмотрены отдельные формы участия общественности в противодействии коррупции. В частности, «органы самоуправления граждан, негосударственные некоммерческие организации и граждане при противодействии коррупции могут:

- участвовать в разработке и реализации государственных и иных программ в области противодействия коррупции;
- участвовать в повышении правового сознания и правовой культуры населения, формировании в обществе нетерпимого отношения к коррупции;
- осуществлять общественный контроль за исполнением законодательства о противодействии коррупции;
- вносить предложения по совершенствованию законодательства о противодействии коррупции;
- взаимодействовать с государственными органами и иными организациями в области противодействия коррупции.

В нашей стране развитие гражданского общества необходимо осуществлять прежде всего путем расширения функции общественного контроля. В настоящее время возможности общественного контроля используются явно недостаточно. Общественный контроль необходимо использовать в качестве превентивных мер по профилактике коррупции.

Представителей общественности необходимо включать в состав комиссии по проверке полноты и достоверности сведений, представляемых государственными служащими и их ближайшими родственниками о доходах и расходах, а также об имуществе. Такие элементы общественного контроля имеют целевое назначение для выявления полноты декларируемых доходов и их соотношения с расходами.

К работе по противодействию коррупции следует подключать общественность, в среде которой должна происходить своеобразная специализация, когда основной целью деятельности отдельных общественных объединений становится именно противодействие коррупции. Следует осуществить обучение граждан формам противодействия коррупции.

Как было указано выше, в Законе провозглашен принцип взаимодействия государства и гражданского общества. Однако механизм их взаимодействия не установлен недостаточно четко и полно.

Контрольные механизмы институтов гражданского общества в целях противодействия коррупции в настоящее время не задействованы в полной мере для обеспечения доступа населения к информации, а также их участия в информационно-контрольной деятельности. В данном случае механизмы эффективного антикоррупционного взаимодействия гражданского общества с государством следует рассматривать через призму:

- доведения государственными органами (их должностными лицами) до всеобщего сведения результатов принятого решения по обращениям граждан о выявляемых фактах коррупции;
- ведения реестра физических и юридических лиц, причастных к коррупции.

Указанные меры будут способствовать формированию в обществе атмосферы нетерпимости к проявлениям коррупции. А это является важной мерой предупреждения коррупции.

Вышеуказанные меры могли бы быть реализованы при условии использования официальных специализированных электронных интернет-ресурсов, где будет публиковаться



информация о фактах коррупционных проявлений и о лицах, совершивших такие действия.

Непосредственное опубликование сведений о коррупционных фактах имеет глубокие исторические корни действенного применения в истории некоторых зарубежных стран, например, российской истории. В частности, в середине XVIII века в императорских указах (на тот период они были единственным источником и средством массовой информации) публиковались фамилии лиц, избалованных в коррупции. Фактически эта мера оценивалась в то время с позиции наступления политической смерти, то есть невозможности замещения впредь должности государственной службы. Этой мерой достигались общие задачи превенции рецидива коррупции.

Вся деятельность по вовлечению гражданского общества в механизм противодействия коррупции должна быть направлена на то, чтобы обеспечить «прозрачность», открытость всех сфер государственного управления, поскольку негативной стороной деятельности государственного аппарата является его полная информационная закрытость, в силу чего создается почва для коррупционных проявлений. У большинства граждан, когда-либо имевших опыт обращения в органы исполнительной власти по какому-либо вопросу, как правило, оставалось от этого не самое благоприятное впечатление. А между тем сами эти органы предназначены для того, чтобы оказывать гражданам различного рода услуги и содействовать им в реализации их прав и свобод.

Одной из форм общественного контроля над деятельностью органов государственной власти в Российской Федерации является парламентское расследование. Данная область контроля регулируется Федеральным законом Российской Федерации от 27 декабря 2005 года № 196-ФЗ «О парламентском расследовании Федерального Собрания Российской Федерации». Необходимо перенять положительный опыт Российской Федерации и принять в нашей стране такой же закон, чтобы была возможность создавать парламентские комиссии по расследованию коррупции в высших органах государственной власти нашей страны с наделением их полномочиями по отстранению коррумпированных чиновников от исполнения должностных обязанностей до момента вынесения судебного решения.

Известно, что уровень коррупции в обществе зависит от уровня правосознания и правовой культуры, в том числе антикоррупционной культуры населения. Одна из главных проблем сегодня - то, что в сознании большинства населения нашей страны коррупция стала обыденным явлением. В целях повышения эффективности противодействия коррупции в нашей стране в работе по формированию в обществе нетерпимого отношения к коррупционному поведению необходимо использовать институты гражданского общества. В частности, необходимо создать общества, которые бы занимались организацией правовой пропаганды среди населения.

Формирование у граждан высокого уровня правовой культуры повлечет совершенствование качества правотворчества, привлечение самых разных институтов гражданского общества в проводимую государством антикоррупционную политику и более эффективную реализацию правовых норм, направленных на противодействие коррупции.

В специальной литературе отмечается важность проведения публичных слушаний в форме общественных или гражданских форумов, участия граждан в деятельности советов, создаваемых при органах власти. Эти мероприятия способствуют формированию идеологии общего нетерпимого отношения граждан и общества в целом к коррупционным проявлениям в функционировании государственного механизма. Для чего необходимо осуществлять пропаганду антикоррупционного поведения, воспитание у населения негативного отношения к коррупции во всех ее проявлениях.

Таким образом, первичными условиями создания цивилизованной модели противодействия коррупции, эффективной и основанной на законе, непременно должны выступить, в частности, реальное существование гражданского общества, его полноценное функционирование при сочетании интересов общества и государства, формирование института общественного контроля и участия представителей гражданского общества в антикоррупционных механизмах. Гражданские институты являются мощным антикоррупционным ресурсом, который недооценивается органами власти. Именно институты гражданского общества способны обеспечить поступление достоверной информации о реальной эффективности государственной антикоррупционной политики, поддержание механизма обратной связи между властью и обществом, очищение власти



от компрометирующих ее чиновников и содействовать формированию нетерпимого отношения к коррупционным проявлениям.

Список литературы

1. Закон Республики Узбекистан от 03 января 2017 года № ЗРУ-419 «О противодействии коррупции».
2. Конвенция Организации Объединенных Наций “Против коррупции” от 31 октября 2003 года.
3. Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-6181 от 4 марта 2021 года «Об утверждении Концепции развития гражданского общества в 2021-2025 годах»,



БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ТУШУНЧАСИ, ТАВСИФИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

С.С.Солимуҳаммаджонов

Хуқуқни муҳофаза қилиш

Академияси Тергов фаолияти тингловчиси.

Аннотация: Мазкур мақолада ўзганинг мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар, bosқинчилик жиноятини тушунчаси ва луғавий маъносини, бу бўйича олимлар фикри, жиноий-хуқуқий тавсифи, ижтимоий хавфлилиги, жиноятнинг содир этилиш кўрсаткичлари, bosқинчилик жиноятининг сабаблари ва уларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар келтириб ўтилган.

Таянч сўзлар: bosқинчилик, жиноятнинг сабаби, жиноятчилик шароитлари, ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli бўлган усулда зўрлик ишлатиш, ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli бўлган усулда зўрлик ишлатиш билан кўрkitиш.

Аннотация: В данной статье рассмотрены преступления, связанные с грабежом чужого имущества, понятие и словарное значение преступления вторжения, мнение ученых, уголовно-правовая характеристика, общественная опасность, признаки преступления, причины преступления агрессии и условия, в котором позволили им быть совершенными - были указаны условия.

Ключевые слова: вторжение, причина преступления, обстоятельства преступления, применение силы способом, опасным для жизни и здоровья, угроза применением силы способом, опасным для жизни и здоровья.

Annotation: crimes related to the robbery of another's property in this article, the concept and lexical meaning of the crime of invasion, the opinion of scientists on this matter, criminal legal description, social danger, indications of the commission of a crime, the causes of the crime of invasion and the condition that allowed them to be committed-conditions were cited.

Base words: invasion, the cause of the crime, criminal conditions, the use of violence in a way that is dangerous to life and health, intimidation with the use of violence in a way that is dangerous to life and health.

Ўзбекистон Республикасида 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш йўли билан янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Ушбу Конституциянинг 53 моддасига асосан инсоннинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади эканлиги, давлат инсон ва фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган хуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, янги тахрирдаги Конституциянинг 65 моддасида Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, Ўзбекистон республикасида барча мулк шаклларининг тенг хуқуқлилиги ва хуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишининг таъминланиши белгиланди.¹

Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий қадриятлари тизимида бевосита шахснинг манфаатлари, яъни ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ва эркинликлари билан бир қаторда, мулкий хуқуқларини ҳам ҳимоя қилиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Чунки бозор иқтисодиётига асосланган ижтимоий ҳаётнинг бирор-бир соҳаси ёки тармоғини шахснинг мулкий хуқуқларисиз тасаввур қилиш қийин. Ижтимоий манфаатлар тизимида шахснинг мулкий хуқуқлари энг муҳим манфаатлар сифатида баҳоланади, мулкий хуқуқларга тажовуз қилиш бевосита шахсга тажовуз қилиш билан тенг ҳисобланади. Бу вазифаларни қачонки қонунларни ҳурмат қилиш ҳар бир кишининг кундалик шахсий эътиқодига айланган тақдирдагина амалга ошириш мумкин бўлади.

Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг, энг кўп содир этиладигалари бу мулкий турдаги жиноят бўлиб, уларни камайтириш, олдини олиш уларга қарши курашиш бўйича давлат томонидан алоҳида эътибор ва зарур чоралар кўрилишини

1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (Электрон манба) URL: <https://lex.uz/docs>. (Мурожаат вақти: 10.05.2023).



талаб қилади.

Ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш жиноятларига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг III бўлими X боби ўзгалар мулкни талон-тарож қилишга бағишланган бўлиб, ушбу боб 6 та моддани ўз ичига олади, яъни 164 модда босқинчилик, 165 модда товламачилик, 166 модда талончилик, 167 модда ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш, 168 модда фирибгарлик, 169 модда ўғирликни назарда тутилган қилмишлардир.

Босқинчилик жинояти ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш жиноятлари ичида ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган жиноятдир. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 164-моддасида “Босқинчилик, яъни ўзганинг мол-мулкни талон-тарож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса”¹ деб кўрсатилган.

Босқинчилик жиноятини ўрганишда унинг тушунчаси ва бу сўзнининг луғавий маъносини билиш муҳим ҳиобланади. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “**Босқинчилик** – ижтимоий хавфли, ўта оғир жиноят, ўзганинг мол-мулкни талаш мақсадида ошқора ҳужум қилиш”² деб таъриф берилган. Шунингдек ушбу иборани юридик фанлар докторлари, профессор З.С.Зарипов ва бошқа олимлар томонидан тайёрланган юридик энциклопедияда “**Босқинчилик** – яъни ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд худди шундай зўрлик ишлатиш йўли билан қўрқитиб содир этилган ҳаракат тушунилади”³ деб таъриф берилган.

Босқинчилик жиноятининг ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятлардан асосий фарқи ва ушбу жиноятлар ичида энг хавфли жиноят сифатида баҳоланинга олиб келган асосий омил бу унинг объектидадир. Босқинчилик жиноятининг ижтимоий хавфлилиги нафақат ўзганинг мулкига нисбатан ижтимоий муносабатларга тажовуз қилиш билан, балки шахснинг ҳаёти ва соғлиғига ҳам зарар етказиш ва шундай зарар етказиш реал хавфини туғдиришда ифодаланади. Шу нуқтаи назардан, унинг ижтимоий хавфлилик даражаси жиноят қонуни билан кўриқланадиган икки объектга тажовуз қилиш билан изоҳланади.

Босқинчилик содир этишдаги ҳужум қонунга хилоф равишда очикдан-очик ёки яширин равишда тўсатдан жабрланувчига, яъни мулкдорга, мол-мулкка қонуний равишда эгалик қилувчи мулк эгасига, шунингдек, талон-тарож қилишга қаршилиқ кўрсатаётган бошқа учинчи шахсларга зўрлик ишлатиб ғайриқонуний таъсир кўрсатишда ифодаланади.

Аксарият ҳолларда, босқинчилик вақтида шахсга очикдан-очик ҳужум қилинади, баъзан эса жабрланувчига сездирмасдан яширинча (масалан, орқадан ўқ узиб, панадан пичоқ уриб) содир этилиши ҳам мумкин. Ҳужум жабрланувчига нисбатан захарловчи ёки фалаж қилишга қаратилган воситалар ва моддалар орқали очикдан-очик ёки яширин равишда содир этилиши мумкин.⁴

Босқинчилик жинояти ижтимоий хавфлилик хусусияти юқори ижтимоий хавфли қилмишлар сирасига киради. Ушбу омилни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг 2019 йил 10 январь куни ўтказилган кенгайтирилган йиғилишининг 1-сон баёни билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг 7-бандида ушбу муаммони илмий ёндашувлар асосида ечиш ва босқинчилик жиноятлари профилактикасининг самарали чора-тадбирлари, усул ва шакллари ишлаб чиқиш вазифа сифатида қўйилган.

Тошкент шаҳрида босқинчилик жиноятлари юзасидан статистик маълумотлар шакллантирилган бўлиб, унга кўра, Тошкент шаҳри ҳудудида 2015 йилда 210 та, 2016 йилда 146 та, 2017 йилда 136 та, 2018 йилда 64та, 2019 йилнинг 10 ойида эса 33 та босқинчилик жинояти содир этилганлиги кўрсатилган.⁵ Статистик маълумотни таҳлил қиладиган бўлсак,

1 Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси. Т-2022 й. 164-м.

2 Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: 2004 й.

3 Юридик энциклопедия. –Т.: “Шарқ”, 2001 й. 46-б.

4 Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Том 4. Махсус қисм. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти, 2018. Б-20.

5 Амалий қўлланма/ Мираҳмедов Ж., Ким О., Шодикулов О., Аскарлов Н., Аршиддинов С., Махмудов И., Усмонов Ф., И.Р.Астанов – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси. 2019. Б-4.



ушбу жиноятнинг сони йилдан йилга камайиб бораётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бирок бу дегани босқинчилик жиноятларига эътиборни камайтириш ёки курашишни тўхтатиш дегани эмас. Ушбу жиноятни олдини олиш учун курашда, албатта, ушбу жиноятга йўл очиб бераётган омилларни ва ушбу жиноят кимлар ўртасида кўпроқ кузатилаётганлигини таҳлил қилиш зарур.

Босқинчилик жинояти шахснинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш ва шундай зарар етказиш реал хавфини туғдиришда номоён бўлиши, ушбу жиноятни содир этиша жисмоний кучдан фойдаланиш ёки шундай кучга эга шахслар томонидан куч ишлатиш билан таҳдид қилиш билан намоён бўлади. Демак, мантиқий фикр юритилганда ҳам босқинчилик жиноятини содир этишга жисмонан бакуват, мисол учун спорт билан мунтазам шуғулланиб юривчи ҳамда ўрта ёшли шахсларнинг мойиллиги кучлироқ бўлишини тушунишимиз мумкин.

2017-2018 йиллар давомида Тошкент шаҳри ҳудудида содир этилган босқинчилик жиноятлари таҳлиliga назар соладиган бўлсак, босқинчилик жиноятларининг 11,0 фоизи 18 ёшгача бўлганлар, яъни вояга етмаганлар томонидан содир этилган бўлса, 65,9 фоизи 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бундан кўриниб турибдики, тажовузкор хусусиятга эга бўлган мазкур жиноятларнинг жуда катта қисми ёшлар томонидан содир этилмоқда.

Босқинчилик жиноятлари одатда кўча, хонадон, жамоат жойи, подъезд йўлаги, кимсасиз жойлар, автомашина ҳамда омборхона биноларида амалга оширилади. Булардан энг кўп учрайдиганлари сирасига шубҳасиз кўчаларда ёшлар томонидан жисмоний нимжон ёки ҳимояланиш имкоиятига эга бўлмаган шахсларнинг қимматбаҳо буюмларини тортиб олиш мақсадида ўқотар куроллар ёки совуқ куроллар билан уларни ўлим билан кўрқитиш орқали содир этилади ва бу жиноятлар одатда режалаштирилмайди, тасадифан амалга оширилади. Хонадонларда содир этиладиган жиноятлар эса аксинча бўлиб, маълум бир давр мобайнида режалаштирилиб, олдиндан тил бириктирган ҳолатда бир неча шахслар томонидан кўп ҳолатларда бой-бадавлат хонадон соҳиблари ёки хулқ-атворига кўра ўзини бадавлат кўрсатишга ҳаракат қиладиган шахсларнинг хонадошида содир этилади.

Босқинчилик жиноятининг сонини мамлакат миқёсида камайтириш учун керакли чора тадбирлар кўрилишига қарамасдан, ушбу жиноятнинг маълум миқдорда сақланиб қолишига сабаб бўлаётган бэзи бир омиллар мавжуд. Ушбу омиллар қаторига асосий омил сифати мамлакатиз барча ҳудудларида (ҳаттоки баъзи шаҳарлар ҳудудларида) назорат камералари илан тўлиқ таъминланмаганлигидир. Назорат камералари бор жойларда деярли ушбу жиноятлар кузатилмайди. Бундан ташқари, кўриқлов тўғри ташкил этилмаганлиги ҳамда кўчалар ёритилмаганлиги. Кўчаларнинг ёритилмаганлиги - босқинчилик жинояти учун катта тухфадек. Кўчаларнинг ёритилмаслиги босқинчилик жиноятини амалга оширмоқчи бўлган шахсларга ўзларини шахсларини яшириб ўтиришга эҳтиёж қолдирмайди ва ушбу жиноят учун гувоҳлар бўлмаслигини таъминлайди. Яъна бир омил шахсларни жиноят содир этишга ундовчи ҳаракатларни амалга оширишидир. Баъзи бир шахсларнинг психологиясида ўз мулкани, моддий бойликларини кўз-кўз қилиш “касаллиги” мавжуд. Бу ҳолат жиноят йўли билан моддий жиҳатдан бойишни ният қилган ҳар қандай шахсларни ўзига жалб қилади.

Юқорида санаб ўтилган юсқинчилик жиноятини содир тишга имкон яратиб бераётган ҳолатларни олдини олиш, фуқаролар ўртасида босқинчилик жиноятининг дастлабки аломатлари ва удан келиб чиқадиган оқибатлари тўғрисида проиляктик тадбирлар ўтказиш орқали ушбу жиноятга қарши самарали курашишимиз лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, босқинчилик жиноятларининг содир этилиш сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларини ўрганиш, жабрланувчи ва жиноятчи психологиясини билиш ҳамда босқинчилик жиноятларини олдини олиш ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакили бўлган давлат томонидан ҳам, бевосита фуқаролар томонидан амалга оширилиши ушбу турдаги жиноятларни фoш этишда ўзининг ижобий самарасини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 01.05.2023 й, 28 бет.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: 2004 й.
3. Юридик энциклопедия. –Т.: “Шар.”, 2001 й. 46-б.
4. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси. Т–2022 й. 164-м.



5. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 4. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 529 бет.

6. Амалий қўлланма/ Мирахмедов Ж., Ким О., Шодикулов О., Аскарлов Н., Аршиддинов С., Махмудов И., Усмонов Ф., И.Р.Астанов - Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси. 2019.–80 б.



O'ZBEKISTONDA MUALLIFLIK JAMIYATLARINING SHAKLLANISHI

Якубова Ирода Бахрамовна,
Toshkent davlat yuridik universiteti
“Intellectual mulk huquqi”
kafedrası dotsenti, PhD.
E-mail: legislate16i@mail.ru

Annotatsiya: Mualliflik huquqini himoya qilish institutini tashkil etish tarixi, jamoaviy boshqaruv tashkilotlarining vakolatlari, funksiyalari va ularning turlari, mualliflik huquqini jamoaviy boshqarish va vakillik tushunchasi o'rtasidagi farq bilan bog'liq masalalar ko'rib chiqiladi. Ushbu institutni takomillashtirish bilan bog'liq ayrim dolzarb muammolarga, mualliflik huquqini himoya qilishning xalqaro standartlariga va milliy qonunchilikning qiyosiy huquqiy tahliliga, shuningdek, O'zbekiston va boshqa mamlakatlar olimlarining fikrlariga e'tibor qaratilgan. Mualliflik huquqini rivojlantirish uchun ilmiy va amaliy ahamiyatga ega bo'lgan taklif va tavsiyalar ilgari surildi.

Keywords: copyright, collective management, royalty.

Sobiq Ittifoq mamlakatlarida mualliflik huquqi bo'yicha jamiyatlarning tarixi 140 yildan oshadi. Mualliflik huquqlarini jamoaviy ravishda boshqargan birinchi rus mualliflik jamiyati 1874 yil 21 oktyabrda buyuk rus dramaturg Aleksandr Nikolaevich Ostrovskiy tomonidan tashkil etilgan Rossiya dramatik yozuvchilari jamiyati edi[1]. Jamiyat dramaturglar tomonidan Rossiya imperiyasi teatrlarining spektakllarini jamoat oldida namoyish etish holatlarida moddiy manfaatlarini himoya qilish uchun yaratilgan va ularni p'esalar mualliflariga gonorar to'lashga majbur qilgan. 1885 yil 21 oktyabrda bastakorlar ushbu tashkilotga qo'shilib, "Rus drama yozuvchilari va opera bastakorlari jamiyati" ni tashkil etishdi[2].

Jamiyat o'z a'zolari tomonidan spektakllar va operalarni ijro etganligi uchun gonorar yig'ardi, ularni tarqatish bo'yicha ishlarni tashkil etardi va uning huquqiy mavqeini mustahkamlovchi sud ishlarini olib borgan [6, B.584-594]. Kontsert dasturlari uchun mukofot yig'ilishi tashkilot Ustavida nazarda tutilmagan va amalga oshirilmagan[3]. 1904 yilda Rossiya teatr jamiyatini o'rniga (Sankt-Peterburg) dramatik va musiqiy yozuvchilar uyushmasi - Rossiyada mualliflik huquqlarini himoya qiluvchi ikkinchi tashkilot tuzildi.

1980-yillarning oxirida intellektual mulk masalalari bo'yicha davlat va amaldagi qonunchilikdagi o'zgarishlar tufayli VAAPni o'zgartirish zarurati tug'ildi[4]. 1991 yil 14 mayda SSSR Vazirlar Mahkamasining 242-sonli qarori bilan VAAPning ushbu tashkilotni SSSR Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar bo'yicha davlat agentligiga (GAASP) aylantirish to'g'risida taklifi qabul qilindi, unga mualliflik va turdosh huquq egalari huquqlari va qonuniy manfaatlarini rioya etilishini ta'minlash maburiyati topshirildi. Keyinchalik, SSSRning tugatilishi munosabati bilan VAAP funksiyalarini bajaradigan tashkilotni yaratishga urinishlar qilindi. 1992 yil Rossiya Federatsiyasi Oliy Kengashining 03.02.1992 yildagi 2275-1-sonli qarori bilan GAASP bekor qilindi va Butun Rossiya mualliflik huquqi bo'yicha agentligi (VAAP) jamoat birlashmasi shaklida tashkil etildi[5].

O'zbekistonda esa mualliflik huquqlarini jamoaviy boshqaruvchi tashkilotlar nisbatan yangi hisoblanadi. "O'zbekiston mualliflar va ijrochilar gil'diyasi" jamoat birlashmasi 2006 yil 20 dekabrda tashkil qilingan bo'lib hozirgi kunda faoliyat yuritayotgan boshqa shunday nodavlat notijorat tashkilotlarga nisbatan avvalroq tashkil etilgan[6].

Asarlardan foydalanishning yangi yuqori texnologik sohalarida mualliflik huquqini amalga oshirishning yuzaga kelishi mumkin bo'lgan qiyinchiliklari tufayli, huquqlarni jamoaviy boshqarishning turli xil sxemalari tobora keng qo'llanilishi uchun asos bo'lmoqda[7]. Shu tufayli asarlar va turdosh huquqlar ob'ektlaridan foydalanuvchi shaxslar ko'plab mualliflar va boshqa huquq egalari bilan shartnoma tuzish o'rniga, ularning manfaatlarini ifoda etuvchi va "mualliflik huquqini jamoaviy boshqarish" deb nomlangan ixtisoslashgan tashkilot bilan shartnoma tuzish imkoniyatiga ega bo'lishadi [8]. Ko'pgina hollarda, bunday sxema mualliflarning foydalanuvchilar bilan to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar tuzish huquqlarini cheklamaydi, balki ularni mualliflik huquqi va turdosh huquqlarni jamoaviy amalga oshirish imkoniyati bilan to'ldiradi. Ko'pincha "mualliflik huquqlari jamiyatlari" yoki "mualliflik huquqlari jamiyatlari" deb nomlanadigan



jamoaviy boshqaruv tashkilotlari har bir mualliflik huquqi egasiga foydalanuvchilardan olingan mablag'larni yig'ishadi va to'laydilar, buning natijasida huquq egalari ularga tegishli bo'lgan haqni olishiga, foydalanuvchilar esa o'z faoliyatini qonuniy ravishda amalga oshirish imkoniyatiga ega bo'lishadi.

Umuman olganda mualliflarning va turdosh huquq egalarining mulkiy huquqlarini jamoaviy boshqarish instituti tarixan qisqa davr ichida katta yo'lni bosib o'tdi.

Bugungi kunda dunyoda intellektual mulkning iqtisodiyotga ta'siri ortib borishi bilan mualliflarning huquqlarini samarali boshqarish va ularning qonuniy manfaatlarini himoya qilish, shuningdek, sohaga oid qonunchilikdagi bo'shliqlarni to'ldirish har qachongidanda dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. O'zbekiston sharoitida dunyoning boshqa davlatlari nisbatan uzoq muddat bosib o'tgan yo'lni xorijiy davlatlarning tarixiy tajribasidan kelib chiqqan holda tezroq ushbu institutni rivojlantirish uning shakllanish tarixini o'rganish zarur.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. The French law on authors' rights (the civil law version of copyright) is actually known as the Code of Literary and Artistic Property, Law No. 92-597 of 1 Jul. 1992, as amended by Laws No. 94-361 of 10 May 1994, and 95-4 of 3 Jan. 1995.

2. Насриев И.И. Муаллифнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоялаш. –Т.: Мехнат, 2003. –Б.58.

3. Тошев Б.Н. Муаллифлик ҳуқуқи. Дарслик. Т.: 2010 й.110-б.

4. Leanovich, E.B. 'Problems of legal regulation of Internet relations with a foreign element'. Internet resource: <http://www.evolution.info>

5. Stanieri A., Zeleznikow J., Gawler M. and Lewis B, 1999 A hybrid-neutral approach to automation of legal reasoning in the discretionary domain of family law in Australia, Artificial intelligence and law,7(2-3).

6. Brams, S.J. and Taylor, A.D. (1996) Fair division from cake cutting to dispute resolution. Cambridge: Cambridge University Press.

7. O. Okyulov. Legal status of intellectual property. Author's abstract of the dissertation of doc. Yur. Sciences. T.: TGYUI. 2000 - S. 328. // O. Okyulov. Legal status of intellectual property. Author's abstract of the dissertation of doc. Yur. Sciences. T.: TGYUI. 2000.

8. Yakubova I., Yakubov A. Problems Of Copyright Protection: Plagiary And Piracy On The Internet // Turkish Journal of Computer and Mathematics Education Vol.12 No. 4 (2021), 1132-1135.



КРИМИНОГЕННЫЕ ФАКТОРЫ В МЕСТАХ ЛИШЕНИЯ СВОБОДЫ

Сайдуллоев Ахадхон Абдуллоевич,

Старший преподаватель кафедры Уголовного права,
криминалистики и предупреждения коррупции

Таджикского государственного
университета права, бизнеса и политики

ORCID: 0000-0001-8743-9849

E-mail: ahadkhon.saidulloev@mail.ru

Аннотация: В настоящей статье автором рассмотрены один из основных изучаемых проблем, которые существуют в исправительных учреждениях. Настоящая статья направлена на обеспечение надлежащего отношения к несовершеннолетним, совершившим правонарушения и отбывшим наказание в учреждениях лишения свободы и ограничения свободы, уважая их права и достоинство, и эффективно реагируя на потребности каждого несовершеннолетнего в отдельности, способствуя их реабилитации и сокращения повторного совершения преступлений. В последние годы государством уделяется особое внимание мерам по усилению борьбы с правонарушениями и предупреждению совершения повторных правонарушений среди несовершеннолетних. Определенная часть несовершеннолетних, отбывших наказание в учреждениях лишения свободы или ограничения свободы, нуждаются в реабилитации и социальной реинтеграции в специализированных учреждениях, основывающихся на специальных методиках и подходах. В частности, отмечается, что отсутствие места работы, средств существования и недоступность к общим государственным социальным пособиям вынуждают несовершеннолетних, отбывших наказание, заниматься бродяжничеством, попрошайничеством и совершать новые правонарушения. Нерешенность проблем указанной категории несовершеннолетних негативно влияет на состояние криминогенной ситуации на территории государства. При этом, подчеркивается, что к отрицательным факторам, толкающим несовершеннолетних к совершению повторных правонарушений, относятся отсутствие работы и соответствующих документов для трудоустройства, отсутствие занятости трудом или учебой, психологические проблемы, разногласия в семье и обществе, отсутствие места жительства, алкогольная и наркотическая зависимость. Автором итогам изучения представлены научно обоснованные рекомендации и предложения касательно одной из важных предпосылок успешного формирования и развития межведомственной системы по реабилитации и социальной реинтеграции несовершеннолетних, отбывших наказание в учреждениях лишения свободы или ограничения свободы, а также эффективный механизм взаимодействия и координации между государственными органами и гражданским обществом.

Ключевые слова: криминогенность, лишение свободы, нрав, осужденный, наказание, несовершеннолетние, правонарушение, преступление, повторность.

Следует отметить, что даже угроза лишения свободы на короткий срок вселяет в человека страх. В пенитенциарном учреждении к этому добавляются новые страхи и воздействуют на человека, давая определенные результаты. Эти результаты могут проявляться в изменении восприятия человеком тех или иных процессов и событий, в изменении его поведения.

Помещая лицо, совершившее преступление, в учреждение с условиями, совершенно отличными от нормальной жизни, государство тем самым создает необходимую среду для воздействия на это лицо. Предполагается, что при нахождении преступника в социально и психически нездоровой среде он будет испытывать определенные лишения, которые заставят его задуматься и побудят впредь не совершать преступлений.

Основной целью наказания является исправление нравов осужденного с целью недопущения повторения общественно опасного деяния. Но какие именно средства следует использовать для изменения морально-нравственных характеристик преступника в положительную сторону.

Вспомним, как они наказывают детей: загоняют в угол, лишают возможности общаться со сверстниками, не дают денег на мелкие повседневные расходы, угрожают бить ремнем. В этом случае процесс предполагает лишение ребенка необходимых благ и возможностей



для наслаждения. Страх быть лишенным таких благ и возможностей заставляет детей корректировать свое поведение. На наш взгляд, наказание эффективно только в том случае, если родители оказывают полное воздействие на психику ребенка и сумеют изменить его поведение. Государство должно выступать «родителем» преступников, и государство должно взять на себя все задачи по влиянию и воспитанию криминального элемента.

Б. С. Никифоров, обосновывая мнение о наличии элемента наказания в лишении свободы [1], констатирует, что «очень трудно понять, как воспитывать осужденных, содержащихся в строгом режиме». Похоже, он тоже считает, что нужно наказывать, а не воспитывать лиц, содержащихся под строгим режимом. Г.Т.Абдуллаходжаев писал: «Поскольку одной из важнейших задач наказания является обеспечение того, чтобы осужденный не хотел быть вновь наказанным, а также предотвращение совершения им новых преступлений, то ни труд, ни воспитание не могут быть его структурными элементами ... Преступник должен бояться наказания. Это аксиома [2]». По результатам общественного опроса, проведенного нами среди осужденных, 85% опрошенных заявили, что опасность лишения свободы препятствует им совершить новое преступление [3]. Фактически боязнь наказания должна стать аксиомой, то есть правилом, не требующим доказательств.

Криминогенность

Места лишения свободы изначально создавались человечеством только для изоляции особо опасных для общества преступников. В дальнейшем их социальная роль претерпевает серьезные изменения - среди основных функций мест лишения свободы, помимо отделения от общества, появляются такие функции, как нравственное исправление преступников, предупреждение новых преступлений осужденными и предупреждение преступлений другими лицами. Всестороннее изучение этих функций позволяет сделать вывод о том, что целью мест лишения свободы в целом является нейтрализация криминогенности общества.

По мнению О.В.Старкова и С.Ф.Милюкова, термин «криминогенность» образован от латинского *genem* — преступление и греческого *genos* — семья, происхождение, и означает способность создавать и определять преступление и преступность [4].

Г.Н.Горшенков считает, что «криминогенность» - это способность некоторых (личностных, внеличностных) факторов, совокупности факторов или конкретных ситуаций создавать антиобщественную, противоправную (криминогенную) мотивацию. По его словам, этот признак может быть разным по степени своего воздействия и, следовательно, иметь разное криминогенное действие [5].

Однако следует отметить, что кроме наличия заранее спланированного аксилкриминогенного назначения пенитенциарные учреждения характеризуются также способностью оказывать криминогенное воздействие вопреки воле общества.

Криминогенность мест лишения свободы

По мнению М. М. Рыбак, наказание в виде лишения свободы нельзя оценивать односторонне, поскольку оно имеет как положительные, так и отрицательные стороны. С одной стороны, современная доктрина о преступности и уголовно-исполнительном праве исходит не только из ограничения преступных наклонностей человека путем помещения его в специально организованные пенитенциарные учреждения, но и из возможности нравственного исправления его или, по крайней мере, предупреждения его совершения. новые преступления в будущем. С этим трудно согласиться, поскольку осужденные находятся под постоянным наблюдением в местах лишения свободы, в отношении них последовательно проводится воспитательная работа, они привлекаются к общественно полезной деятельности и т.д. С другой стороны, различные формы социальной изоляции оказывают отчуждающее воздействие на правонарушителей. Лицо, совершившее преступление, помещается в среду лиц, нарушивших уголовное законодательство, тем самым отрывается от определенных социальных институтов, что приводит к утрате общественно значимых связей, после освобождения из мест лишения свободы оно восстановить их сложнее, а в ряде случаев и невозможно. Так сказать, государство и общество хотят поместить человека в число глухонемых и научить его говорить. По этой причине деятельность пенитенциарных учреждений по нравственному исправлению преступников характеризуется низким уровнем эффективности. Общество должно осознать, что пенитенциарные и постпенитенциарные рецидивы определяются не только лазейками в законодательстве и недостатками в работе тюремного персонала. Изолированность осужденного от общества, криминальная среда в



месте его содержания, а также сложившаяся субкультура тюрьмы, по мнению большинства ученых, являются факторами, побуждающими к противоправному поведению.

Борьба с преступностью в основном путем изоляции правонарушителей от общества и содержания их в пенитенциарных учреждениях зачастую не приводит к их нравственному оздоровлению и они не становятся законопослушными гражданами. Только при глубоком понимании этого можно объективно подходить к вопросу о сфере применения наказания в виде лишения свободы и его последствиях.

Лишение свободы не должно быть основной мерой наказания за совершенное правонарушение. Для реализации этой идеи важно создать соответствующие условия организационно-правового характера [6].

Таким образом, понятие криминогенности мест лишения свободы можно определить следующим образом:

Криминогенность мест лишения свободы – это совокупность объективных и субъективных признаков пенитенциарных учреждений, формирующих, развивающих и усиливающих антиобщественные, преступные наклонности и намерения у осужденных и других содержащихся в них лиц.

Пенитенциарная субкультура, формируемая уголовниками десятилетиями, совершенствовавшаяся в местах лишения свободы, и даже более прочно утвердившаяся, чем повседневная жизнь и быт простых граждан. В большинстве случаев считается, что лица, освобожденные из мест лишения свободы, распространяют эту субкультуру среди населения; сотрудники пенитенциарных учреждений и органов вольно или невольно становятся носителями этой субкультуры, рассказывая членам своей семьи, родственникам и знакомым об элементах этой субкультуры.

По данным проф. И.М. Мацкевича, около 1% трудоспособного населения ежегодно переживает тюремный срок. Это огромное число. Многие люди возвращаются к нормальной жизни как сторонники малоподвижного образа жизни и образа жизни. В неформальной структуре ничего не определяется сверху. Здесь правила и обычаи приобретают совершенно автономный характер и не соответствуют структурам более высокого уровня. Хотя правила криминальной среды на первый взгляд кажутся произвольными и нерегулируемыми, на самом деле они строго подчиняются принципу, что все, что может нанести вред преступному сообществу, должно быть устранено. Их простота и ясность особенно привлекательны для людей из низших слоев общества [7].

Изоляция осужденных от общества в местах лишения свободы. Нельзя с уверенностью сказать, что этот инструмент будет эффективен при лишении человека свободы. Наоборот, существуют и негативные стороны лишения свободы, которые могут препятствовать достижению целей наказания и эффективной борьбе с преступностью. По словам профессора А.М.Яковлева, «эта конфликтность проявляется в том, что с целью приспособления виновного к нормальной жизни в обществе его заставляют жить в условиях, совершенно отличных от жизненных» [8].

Проблема усугубляется тем, что все лица, содержащиеся в местах содержания под стражей, являются лицами одного пола. Этот фактор повышает их агрессию, «взрывоопасность» этой группы людей, поскольку длительное неудовлетворение половой потребности может легко перерасти в преступную потребность и привести к совершению новых преступлений.

По мнению И. С. Кона, чем шире и замкнуто мужское сообщество, тем активнее гомосексуальные чувства и отношения, сбор большого количества людей в замкнутой среде повышает сексуальные влечения, и мужчины, если нет других способов удовлетворения сексуальные потребности неизбежно обращаются друг к другу [9].

Анализируя вопросы отделения от общества, ученые отмечают такие его аспекты, как «духовная ограниченность», разрыв социальных связей, сужение круга общения на фоне различных правовых ограничений [10]. Этот аспект социальной изоляции иногда называют «психологическим эффектом наказания» [11].

Микросоциальная среда в пенитенциарном учреждении. Помещение преступника в среду сверстников является одним из наиболее негативных факторов в процессе исполнения наказания. В местах лишения свободы преступники организуют собственную школу, а государство им в этом «помогает». Здесь осужденные делятся друг с другом криминальным опытом, и, по сути, для некоторых из них отбывание наказания становится своеобразным



«курсом обучения».

После освобождения у некоторых из них есть намерение использовать свои новые «знания». Они часто надеются, что тщательно разработанные новые планы совершения преступлений создадут условия, препятствующие их разоблачению, помогут избежать уголовной ответственности. Это «болезнь» пенитенциарной системы во всех странах мира.

Например, в тюрьме Райкерс-Айленд в США преступники (многие из которых не умеют ни читать, ни писать) здесь учатся только одному – «искусству» жить в Нью-Йорке без денег в карманах и без работы. Директор тюрьмы Эндрю Феникс говорит, что готовит своих будущих «клиентов» сам: «Если вы не были вспыльчивым, жестоким человеком до того, как попали сюда, вы обязательно приобретете здесь эти качества!» [12].

Скопление большого количества осужденных на небольшой территории.

Недавно ученые обнаружили, что у людей тоже есть свои заповедные зоны и территории. Это не просто страна или малая родина. Под такой территорией понимается пространство, которое человек считает своим и рассматривает как продолжение своего тела.

Личное пространство или территорию среднестатистического человека можно разделить на четыре зоны:

1. Интимная зона (15-45 см);
2. Персональная зона (46 см–1,2 м);
3. Социальная зона (1,2 м- 3,6 м);
4. Общественная зона (3,6 мболее).

Как известно, есть золотое правило: «Держи дистанцию!» Он подразумевает, что, если человек хочет сохранить чувство комфорта в процессе общения с другими людьми, он не должен нарушать личную и интимную зоны других лиц. Любое вторжение в эти зоны приводит к дискомфорту людей и их негативному отношению к этой агрессии [13].

В тюрьмах у осужденных нет возможности сохранить в неприкосновенности свое личное окружение, из-за чего они постоянно испытывают дискомфорт и дискомфорт. Более половины задержанных в местах лишения свободы составляют лица в возрасте до 30 лет. Около 40% всех осужденных имеют различные формы психических расстройств [14]. По данным В. Г. Громова, у большого числа осужденных наблюдаются симптомы эмоциональной неустойчивости, застенчивости, замкнутости, неразумного интеллекта и беспокойства [15].

При длительном содержании осужденного в таких условиях он может стать криминогенной личностью. По мнению В. Н. Бурлакова, понятие «криминогенное лицо» является разъяснением понятия «личность преступника» и отражает характер субъекта, склонного к совершению преступления и его повторению [16].

Низкая занятость осужденных в пенитенциарных учреждениях. Данные, полученные в результате исследований, проведенных В.В.Шликовым[17]и М.Ш.Нажимовым, [18] позволяют сделать вывод о том, что производственная деятельность является одним из важных факторов, положительно влияющих на нравственное восстановление осужденных.

Выделяется ряд отрицательных черт, связанных с достижением пенитенциарных целей в привлечении осужденных к труду. Осужденные попадают в организованное в пенитенциарных учреждениях производство не добровольно, а в порядке отбывания наказания, для них характерен низкий уровень образования и трудовой квалификации.

Иногда администрация пенитенциарных учреждений не имеет возможности использовать осужденных по имеющимся у них профессиям, а та специализация, которую осужденные приобретают в местах лишения свободы, не всегда имеется после освобождения.

Можно также добавить, что в этой системе осужденные не имеют возможности реализовать свои способности (получить желаемую информацию, освоить нужную на свободе профессию, заняться творческой деятельностью и т. д.).

Республика Таджикистан и Узбекистан в настоящее время строят правовое государство и гражданское общество на основе рыночных отношений. Следовательно, всегда будет необходимость защищать прогресс, достигнутый в этом отношении. В нынешних условиях ни государство, ни общество не могут функционировать без мест лишения свободы. По этой причине пенитенциарные учреждения представляют собой необходимую объективно существующую реальность. Они являются одним из структурных подразделений государственного механизма, где сосредоточены общественно опасные лица. В связи с этим



одной из основных задач общества и государства в плане воздействия на преступность является нейтрализация серьезного криминогенного влияния мест лишения свободы, в том числе социальных процессов, формирующих криминогенную личность.

Таким образом, криминогенность мест лишения свободы представляет собой совокупность объективных и субъективных признаков пенитенциарных учреждений, формирующих, развивающих и закрепляющих антиобщественные, преступные наклонности и намерения у осужденных и других содержащихся в них лиц.

Сноски:

1. Материалы теоретической конференции по вопросам советского исправительно-трудового права. - М., 1957. - С. 129.
2. Абдуллаходжаев Г.Т. Виктимности предупреждения преступлений против собственности // щит. 2002. № 7-8. - С. 2.
3. Приложение 3.
4. Старков О.В., Милюков С.Ф. Наказание: уголовно-уголовный и криминологический анализ. - СПб., 2001. - С. 409.
5. Горшенков Г.Н. Криминологический словарь. - Нижний Новгород, 2007. - С. 53.
6. Рыбак М.С. Ресоциализация осужденных к лишению свободы: проблемы теории и практики. - Саратов, 2004. - С. 9–10.
7. Мацкевич И.М. Криминальная субкультура / Журнал «Российская правда в Интернете». 2003. №1. [www / рли . консультант / ru](http://www.rli.consultant.ru)
8. Яковлев Н.А. Тюремная (пенитенциарная) субкультура как криминогенный фактор и перспективы нейтрализации и негативного воздействия: Автореф . дисс сахар. ходить наука - Рязань, 2006. - С. 4.
9. Кон И.С. Гомозеротизм как аспект гомосоциализации // [http : www . гей _ RU](http://www.гей_RU)
10. Колеватов П.И. Правовое и организационное обеспечение изоляции в тюрьмах и исправительных колониях: Автореф . дисс сахар. ходить наука - М., 2001. - С. 11.
11. Хохряков Г.Ф. Криминология: Учебник / Отв. изд. В. Н. Кудрявцев. - М., 2000. - С. 250.
12. Инизан И. Саджат надо всё больше и больше // За рубежом. 1990. № 51. - С. 14–15.
13. Пиз А. Язык телодвижений. - Новгород, 1992. - С. 35–36.
14. Информация Верховного суда Республики Узбекистан, 2011 г.
15. Громов В.Г. Криминогенность места лишения свободы и ее нейтрализации: Дисс Доктор _ ходить наука - Саратов, 2009. - С. 2 2 3.
16. Бурлаков В.Н. Криминогенная личность и индивидуальное предупреждение пресплений: Автореф. дисс. ...он идет. наука - СПб., 1998. - С. 7.
17. Шлыков В.В. Организационно-правовые основы производственной деятельности исправительных колоний в целях исправления и трудовой адаптации осужденных: Дисс сахар. ходить наука - Рязань, 2007. - С. 73–74.
18. Нажимов М.Ш. Правовые основы лишения свободы и проблемы совершенствования. номз юридических наук. наука узкий братъ написано для дисс... - Ташкент: ТДЮИ, 2010. - Б. 112.



ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШДАН ИХТИЁРИЙ ҚАЙТИШНИНГ ЖИНОИЙ-ХУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ

Исаев Хусинддин Абдунабиевич

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар Олий мактаби магистратура тингловчиси

Калит сўзлар: ихтиёрий қайтиш, жиноий ҳаракат, қасд, суиқасдда ихтиёрий қайтиш, жиноий оқибат, жиноятчилик.

Аннотация: Ушбу мақолада ихтиёрий қайтиш жавобгарликни истисно қилади, яъни шахс жиноий жавобгарликдан тўла озод қилиши ва унинг жавобгарлик масаласининг тахлилий асослари ҳақида маълумотлар берилган.

Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги етти устувор йўналишдан иборат 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ишлаб чиқилган бўлиб унда адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш, жиноятларга қарши курашиш жараёнларида фуқароларнинг кадр-қиммати ва эркинлигини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини янада ошириш, жиноятларнинг олдини олиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ривожлантириши бўйича бир қанша ислохотлар амалга оширилмоқда¹.

Дунёда рўй бераётган интеграция жараёнлари жиноятчиликка қарши курашиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жумладан, шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан кўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, жамият фаровонлигига эришишнинг замонавий ва самарали тизимини йўлга қўйишни тақозо этмоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш орқали бу натижаларга эришиш мумкин. Жиноятчиликка қарши курашишда аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кенг амалга ошириш, шунингдек, фуқароларимизга жиноят содир этишнинг нақадар салбий иллат эканлигини онгу-шуурига етказиш, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг мазмун-моҳиятини халқимизга кенг тарғиб этиш муҳим рол ўйнайди. Мустақиллик йилларида Республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди².

Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча фуқаролар ҳам жиноят қонунчилигида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг мавжуд эканлигини билавермайди.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишда шахс, яъни жиноят содир этишни мақсад қилган шахс, жиноятни охирига етказишга тўла имконияти бўла туриб, уни охирига етказишдан бош тортади. Бу жиноят ҳуқуқида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб баҳоланади.

Ихтиёрийлик деганда, шахснинг бошланган жиноий ҳаракатни ўз хоҳиши билан ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз охирига етказиш имкони борлигини англаган ҳолда тўхтатиши тушинилади. Бундай қайтишнинг мотиви турлича (уялиш, фарзандлари тақдири ҳақида ўйлаш, диний эътиқоди, жабрланувчига раҳми келиши ва бошқалар), шунингдек, қариндош ва дўстларининг маслаҳатларига кўра натижасида бўлиши мумкин.

Масалан, агар шахс қасддан одам ўлдиришга ҳаракат қилса, лекин атрофда одамларнинг борлиги, қуролнинг яроқсизлиги туфайли қилмишни содир этмаса, бу ихтиёрий қайтиш ҳисобланмайди. Демак, жиноят содир этиш учун имкониятнинг йўқлиги ихтиёрий қайтиш ҳисобланмайди, балки жиноятчи жиноий ҳаракатни тўхтатишга мажбур бўлади. Жиноят

1 2022 — 2026 YILLARGA MO‘LJALLANGAN YANGI O‘ZBEKISTONNING TARAQQIYOT STRATEGIYASI

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 14.03.2017 йилдаги ПҚ-2833-сон



содир этишдан ихтиёрий қайтиш қатъий бўлиши керак. Ихтиёрий қайтиш жиной оқибат юз бергунга қадар, яъни тайёргарлик ва суиқасд босқичида бўлган бўлиши лозим. Жиноят кодексида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг иккита тури белгиланган бўлиб, улардан бири жиноятнинг объектив томони содир этилгунга қадар бўлган барча ҳаракатлар, иккинчиси, объектив белгиларига кўра бир-биридан фарқ қилувчи ҳаракатлардир.

М.Х.Рустамбоев ва Қ.Пайзуллаевнинг фикрларига кўра, тамом бўлган суиқасдда ихтиёрий қайтиш бўлиши мумкин эмас. Улар ўз фикрларини қасддан одам ўлдириш жинояти мисолида кўриб чиқиб шундай дейдилар, шахс одам ўлдиришга суиқасд қилган бўлса, у содир этиб бўлинган ҳаракатни бартараф эта олмайди. Баъзи бир олимларнинг фикрига кўра: “Тамом бўлган суиқасдда ихтиёрий қайтиш, баъзи жиноятларда, қайсики, жиноят содир этиш билан унинг оқибати келиб чиқиши оралигида муайян вақт бўлган ва ушбу вақт оралигида шахс жиной оқибатни олдини олиши мумкин бўлган жиноятларда мавжуд бўлишини таъкидлайдилар”.

ЎЗР ЖК 26-моддасининг 2-қисмига биноан жиноятдан ихтиёрий қайтиш жавобгарликни истисно қилади, яъни шахс жиной жавобгарликдан тўла озод қилинади. Айнан ана шу жиноят-ҳуқуқий институтда Ўзбекистон жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик принципи аниқ ифодасини топган¹. Ваҳоланки, жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш жиноят ҳисобланади. Юқорида келтирилган нормада ихтиёрий қайтганлик учун жавобгарлик белгиланмайди. Шу сабабли ҳам биз амалиётда асосий эътибор қаратишимиз лозим бўлган масала ихтиёрий қайтиш билан жиноятга тайёргарлик ва жиноят содир этишга суиқасднинг аниқ фарқлашдир. Бу бизга шахсни жавобгар қилиш ёки уни жавобгарликдан озод этиш масаласини ҳал қилиш билан бевосита боғлиқ. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишда ҳаракат бошланмаган бўлиши ҳам мумкин. Жиноят содир этишга суиқасдда жиной оқибат юз бермаса ҳам жавобгарлик келиб чиқади. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишда жавобгарлик йўқ.

Бугунги кунда мамлакатимизда жиноятчиликнинг сонини камайтириш, унинг жамиятимиз ривожига тўсқинлик қилишини олдини олиш борасида бир қатор ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Мамлакатни ривожлантиришда жиноятчиликка қарши курашиш муҳим ҳисобланади ва жиноят содир этишда ихтиёрий қайтиш жиноятлар сони ўсишини олдини олишда ўз ҳиссасини қўшмоқда сабаби ихтиёрий қайтишда шахс содир этмоқши бўлган жиноятнинг хавфлилигини тушиниб уни қилишдан қайтади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т. Ўзбекистон, 2016.-53б.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 2004 йил 21 май 4-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2023– 600б.

4. Усмоналиев М, Каракетов Ю.М. ”Жиноятчиликка қарши курашишнинг криминалогик масалалари” Т., 1993й

5. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. 2-Махсус қисм М.Рустамбаев. – Тошкент: "Юридик адабиётлар publish", 2021й. –744б

1 Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси URL: <https://lex.uz/acts/111453>



БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ ТУРЛАРИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ МУАММОЛАР

Фаррухжон Рахматов

Судьялар олий мактаби тингловчиси

Аннотация: ушбу мақолада бир қанча жиноят содир этиш турлари бўлган такроран жиноят содир этиш, жиноятлар мажмуи ва рецидив жиноят тушунчалари, уларни квалификация қилишида учрайдиган муаммолар ва унинг ҳозирги замон талабларига қанчалик жавоб бериши ёритиб берилган.

Калит сўзлар: одиллик принциплари, такрорий жиноятлар, жиноятлар мажмуи, рецидив жиноятлар, бир қанча жиноятларни квалификация қилиши.

Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.¹

Жиноят ҳуқуқи фанида бир қанча жиноятларни содир этиш алоҳида бир мавзу сифатида ўрганилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида бир қанча жиноятлар содир этиш тушунчаси норма сифатида берилмаган бўлса-да, унда такроран жиноят содир этиш, жиноятлар мажмуи ва рецидив жиноятлар тушунчаси берилган бўлиб, уларнинг йиғиндиси бир қанча жиноятларни содир этишни англатади. Шу сабабли ҳам Жиноят Кодексининг Умумий Қисмининг 8-боби “*Бир қанча жиноят содир этиш*”² деб номланади. Кўпчилик олимлар бир қанча жиноятларни содир этиш ҳақида тушунча берганда турли хил фикрларни бериб ўтишган, аммо уларнинг орасида менинг назаримда энг тўғри берилган фикрлардан бири бу В.И.Ткаченко томонидан “*шахснинг олдинги жинояти учун судланган ёки судланмаганидан қатъи назар суд ҳукми билан аниқланган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этиш, бир қанча жиноятларни содир этиш деб топилди*”³-деб кўрсатган фикри энг тўғриси бўлса керак.

Шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этилиши унинг ижтимоий хавфлилигини ҳам оширади. Бир қанча жиноятлар қуйидаги юридик оқибатларга эга:

- кўпчилик ҳолларда жазони оғирлаштирувчи ҳолат бўлиб ҳисобланади;
- оғирроқ жазо чорасининг қўлланишига асос бўлади;

Бир қанча жиноят содир этишнинг турлари бўлиб, булар такроран жиноят содир этиш – ушбу турда такроран жиноят бир модданинг турли қисмларда кўрсатилган жиноятни шахс турли вақтларда содир этиб уларнинг бирор бири учун судланмаган бўлиши лозим.

Аммо такроран жиноят содир этишни давомли ва узоққа чўзилган жиноятлардан фарқлай олиш лозим. Такроран жиноят содир этганда шахс ҳаракатлари икки ёки ундан ортиқ мустақил жиноятлардан ташкил топади. Аммо Жиноят Кодексининг 32-моддаси 3-қисмида - “Умумий қасд билан қамраб олинган ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран жиноят содир этилган деб топилмайди”⁴ –деб кўрсатилган.

Қонун мазмунига кўра, бундай жиноятлар давомли жиноят, деб топилди. Давомли жиноятлар ўзининг маълум бир белгиларига кўра бир қанча жиноят содир этишдан анчагина фарқ қилади. Масалан, давомли жиноят доим бир бирига ўхшаш бўлган жиноятлардан иборат бўлади; Давомли жиноятда барча ҳаракатларнинг бир объектга (яъни бу ўринда жиноят объекти назарда тутилган) зарар етказишга қаратилган бўлади; Давомли жиноят ягона мақсад асосида ва ягона қасд билан бирлашганлиги ва шунинг учун ҳам ягона бир жиноят таркибини ташкил қилади; шунингдек, давомли жиноятлар фақат қасддан ва ҳаракат билан содир этилади.

Бундан фарқли ўлароқ узоққа чўзилган жиноятлар Жиноят Кодексининг 32-моддаси

1 Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 8-моддасининг 2-қисми.

2 Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 2008 йил “Адолат” нашри 15 бет.

3 В.И.Ткаченко “Бир қанча жиноят содир этиш ва унинг жиноят ҳуқуқидаги шакллари” Казань, 1982 йил.

4 Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 2008 йил “Адолат” нашри 15 бет.



4-қисмига кўра, “Вазифаларни узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган (узокқа чўзилган) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди”¹-деб кўрсатилган бўлиб, бунда давомли жиноятлардан фарқли ўлароқ у қасддан ҳам, эҳтиётсизликдан ҳам содир этилиши, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан ҳам содир этилиши мумкин. Ҳаракатсизлик орқали бу жиноят шахснинг ҳуқуқий мажбуриятларини бажармаслиги, она ўз боласини эмизмаслиги каби ҳолатлар, ҳаракат билан эса, қонун билан таъқиқланган воситаларни сақлаш орқали содир этилади.

Шахс томонидан бир қанча жиноят содир этилган бўлса, ушбу жиноятлар бир вақтнинг ўзида бўладими ёки турли вақтларда бўладими бундан қатий назар бу каби ҳолатлар амалиётда жуда кўп учрайдиган ҳодиса ҳисобланади.

Жумладан, бир қанча жиноят содир этиш тушунчасини ҳуқуқий жиҳатдан талқин қиладиган бўлсак, ҳуқуқий оқибат олиб келувчи жиноятнинг муайян шакллари акс эттирувчи жиноят-ҳуқуқий атама сифатида таснифланиши лозим. Шахс томонидан бир вақтнинг ўзида ёки турли вақтларда бир нечата жиний ҳаракатларни ёки ҳаракатсизликларни содир этиши, улар учун жавобгарликка тортилганидан сўнг ёки жавобгарликка тортиш муддати ўтмаган ҳар қандай иккинчи жинояти бўлса бу бир қанча жиноят содир этиш деб тушунилади.

ЖКнинг 33-моддасида жиноятлар мажмуи тушунчаси берилган бўлиб, уни таҳлил қиладиган бўлсак, қонунга кўра шахс Кодекс махсус қисмининг турли моддаларида ёки бир модданинг турли қисмларида кўрсатилган жавобгарликка тортиладиган икки ёки ундан ортиқ жиний қилмишни содир этиш агар шахс уларнинг бирор бири учун судланмаган бўлса, бу жиноятлар мажмуи деб топилди.

Бу ўринда жиноятлар мажмуини такроран жиноятлардан фарқлаш лозим. Такроран жиноят айнан қилмишга нисбатан олиниши лозим. Жиноятлар мажмуи бўлса, ҳар бир жиноятга нисбатан олиниши лозим. Масалан шахс ЖК 169-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этиб сўнг яна 169-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этиши бу такроран жиноят содир этиш тушунчасини берса, жиноятлар мажмуида шахс 169-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этиб сўнг 169-моддаси 2-қисми “г” банди ёки 169-моддаси 4-қисми “а” банди ёки бошқа Махсус қисмининг ҳар қандай моддаларида кўрсатилган жиноятни содир этиши бу жиноятлар мажмуи деб қаралиши лозим. Яъни такрорийлик янан бир хил қилмишга нисбатан олиниши, жиноятлар мажмуи бўлса бир қанда жиноятларга нисбатан олиниши лозим бўлади.

Шунинг учун ҳам ЖКнинг 32-моддасида “Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида” – деб кўрсатилган бўлса, 33-моддасида “Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида” – деб сўз ишлатилганлиги ҳам бу икки ҳолатни бир биридан ажратиб туради. Амалиётда нотўғри бўлсада, жиноятлар мажмуи билан такроран жиноятлар бир биридан фарқлашда қийинчиликлар юзага келади.

Жиноятлар мажмуи билан ҳукм ўқишда шахсга нисбатан агар у бир модданинг турли қисмларида кўрсатилган жиноятни содир этса, шахс модданинг оғирроқ жазо белгиланган қилмиши бўйича жавобгарликка тортилади. Яъни шахс ЖК 169-моддаси 1-қисми, 169-моддаси 2-қисмининг “г” бандида кўрсатилган жиноятни содир этса, табиийки иккинчи эпизод 169-модда 3-қисмининг “а” банди билан квалификация қилинади ва шахс 169-модда 3-қисмининг “а” банди билан жавобгарликка тортилади, сабаби 169-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жавобгарлик бошқа қисмларига нисбатан оғирроқ ҳисобланади. Аммо юқоридаги мисолда иккинчи эпизод такрорий эмас аслида у жиноятлар мажмуи ҳисобланади, сабаби у бир хил қилмиш эмас, балки турли хилдаги қилмиш ҳисобланади. Албатта бу нотўғри амалиёт эканлигини кўпчилик олимлар томонидан таъкидлаб келинсада, амалиётчилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Бир неча содир этганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисидаги”² ҳамда “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”³ги қарорларининг талабидан келиб чиқишади.

1 Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 2008 йил “Адолат” нашри 15 бет.

2 Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Бир неча содир этганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисидаги” 2008 йил 5 майдаги 13-сонли қарорининг 14 бандига қаранг.

3 Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарорининг 49 бандига қаранг.



Бир қанча жиноят содир этишнинг бир тури сифатида жиноят ҳуқуқида рецидив жиноят содир этиш тушунчаси мавжуд. Бу ЖКнинг 34-моддасида ҳам келтирилган. “Рецидив” сўзи ўзи лотин тилидан келиб чиққан бўлиб маъноси “қайта тикланувчи”, “бирор нимани қайта пайдо бўлиши”¹ одатда бу негатив ҳолатларга нисбатан ишлатилади. Судланган шахс томонидан қайта жиноят содир этиш тушунилади.

Шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганидан сўнг қайта жиноят содир этиши, бу ҳолатда олдин содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган, олдинги жинояти учун оқланмаган бўлса, бу ҳолат рецидив жиноят содир этиш деб тушунилади.

Шунингдек, жиноят ҳуқуқида “хавfli рецидив” тушунчаси ҳам мавжуд. Маъносидан келиб чиқадиган бўлсак албатта рецидив жиноятга нисбатан хавfli рецидив жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражаси устундай кўрилади. Сабаби рецидив жиноятда шахс бир жиноят содир этганидан сўнг судланиб қасддан янги бошқа ҳар қандай жиноят содир этган бўлса, хавfli рецидив жиноятда шахс бир жиноят содир этиб айнан шу жиноятга ўхшаш ёки Кодексда назарда тутилган алоҳида ҳолларда бошқа моддаларда кўрсатилган жиноятни қайта содир этиши “хавfli рецидив” жиноят деб тушунилади. “Рецидив жиноят” тушунчаси Жиноят Кодексининг Махсус қисмида квалификацияловчи белги сифатида киритилмаган бўлсада, “хавfli рецидив” жиноят Махсус қисмининг турли моддаларида квалификацияловчи белги сифатида киритилган.

Бу ўринда, ўхшаш жиноятлар тушунчасига ҳам изоҳ бериш лозим. Кўп чилик ҳолатларда ўхшаш жиноят деб ЖК Махсус қисмининг бир бобида жойлашган жиноятлар тушунилади. Аслида бу хато, яъни Махсус қисмининг бир бобида жойлашган жиноятлар ўхшаш эмас балки турдош ҳисобланади. Махсус қисмининг бир моддасининг турли қисмларида жойлашган жиноий қилмишлар ўхшаш жиноятлар деб топилади. Яъни шахс муқаддам босқинчилик жиноятини содир этиб, бу учун судланганидан сўнг, ўғирлик жиноятини содир этса, бу рецидив жиноят тушунчасини беради холос. Аммо шахс ўғирлик жинояти учун судланиб, яна қасддан ўғирлик жиноятини содир этса (бу ҳолатда судланганлиги тугалланмасдан содир этилиши назарда тутилади) бу хавfli рецидив жиноят деб топилади.

Бу ўринда табиий савол туғилади шахс муқаддам ЖК 164-моддаси 3-қисмининг “в” бандида кўрсатилган жиноятни содир этиб, судланганидан сўнг ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “а” бандида кўрсатилган жиноятни содир этса бу рецидив жиноят. Аммо шахс ЖК 169-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этиб судланганидан сўнг, яна қасдан 169-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этса бу хавfli рецидив бўладими? Яъни биринчи ҳолатдаги шахснинг ижтимоий хавfliлик даражаси иккинчисига нисбатан баланд-ку. Шу сабабли ҳам жиноят ҳуқуқида “рецидив жиноят”, “хавfli рецидив жиноят” ва “ўта хавfli рецидив жиноят” тушунчаларини бир бири билан солиштириб, қайси бири иккинчисига нисбатан оғирроқ деб ўйлашнинг ўзи нотўғри. Албатта юқоридаги мисолда рецидив жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавfliлик даражаси баланд ҳисобланади.

Бунда “рецидив жиноят” тушунчасининг ўзидан келиб чиқиш лозим бўлади. Яъни шахснинг бир жиноятни содир этиб, сўнг қасддан янги жиноят содир этиши бу – рецидив жиноят; шахснинг бир жиноятни содир этиб судланганидан сўнг қасддан айнан шу жиноятга ўхшаш янги жиноят содир этиши алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса бошқа жиноятларни содир этиши ҳам бу – хавfli рецидив жиноят тушунчасини беради.

Ўз навбатида савол туғилади алоҳида кўрсатилган ҳолатлар нима учун керак? Гап шундаки жиноят ҳуқуқида ҳам, қонун чиқарувчи томонидан ҳам, баъзи бир жиноят туларига келганда уларнинг турдош жиноятлар билан қайталаниши яъни рецидивлашиши, бу жиноий қилмишнинг ижтимоий хавfliлиги ошишини инobatга олиб алоҳида кўрсатган ҳоллар тушунчаси киритиб кетилган. Бу ЖК 104-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 119-моддаси 2-қисмининг “б” банди ва бошқа бир қатор моддаларда назарда тутилган.

Аммо шуни ҳам назардан четда қолдирмаслик керакки, юқоридаги мисолда ЖКнинг бир моддаси бошқа бир моддада кўрсатилган жиноятни содир этиб судланган бўлса – деб айнан бир моддани талаб қилган. Аммо Жиноят Кодекси Махсус қисмида шундай моддалар борки, улар моддада алоҳида кўрсатилган ҳолатга бир моддани эмас балки шу бобдаги ҳар

1 www.Vikipediya.ru



қандай жиноятни қайталанишини назарда тутди. Масалан, ЖК Махсус қисмида гиёҳванд моддалар билан муомала қилишдан иборат жиноятларнинг жамият учун зиён даражасини инобатга олиб, ЖКнинг 270-276-моддаларда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида рецидивлик белгиси алоҳида кўрсатилган ҳолат деб айнан бир модда бўйича судланганлик эмас, балки шу бобда кўрсатилган ҳар қандай жиноят учун судланган ҳолатни ҳам хавфли рецидивликка тенглаштириб қўйган.

ЖКда “ўта хавфли рецидив жиноят” тушунчаси ҳам бор. ЖК 34-моддасининг 4-қисмида суднинг ҳукми билан шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши кўрсатилган. Юқоридаги ҳолатларда суднинг ҳукми шарт эмас яъни шахс ҳаракатни содир этиши билан судга қадар иш юритиш босқичда шахснинг ҳаракатлари “рецидив жиноят” ёки “хавфли рецидив жиноят” деб квалификация қилинади. Аммо шахс фақатгина суднинг ҳукми билангина “ўта хавфли рецидивист” деб топиш қонунинг ўзида кўрсатилиши бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 34-моддасининг 3-қисмида “Беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади”¹.

ЖК Умумий қисмининг 34-моддаси 3-қисмига кўра фақатгина унинг иккита бандида кўрсатилган ҳолатлар талабларига жавоб берсагина шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин.

Жамиятдаги ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ҳам шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши унга нисбатан нафақат жазо тури ва меъёрини белгилашда, унинг ҳаракатларини квалификациялашда балки, унинг жазо ўташида ҳам жиддий таъсир қилади.

Ўта хавфли рецидивист деб топишда шахснинг вояга етмаган даврида содир этган жиноятлари, судланганлик муддатининг ўтганлик ҳолати ёки судланганлиги олиб ташланган ҳолатлар инобатга олинмайди.

Шу билан бирга шахс суднинг ҳукми билан ўта хавфли рецидивист деб топилганидан сўнг унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда у доим махсус тартибли колонияда жазони ўташи, унга нисбатан жазодан озод қилиш турлари, тамом бўлмаган жиноят содир этганда жазо тайинлашда ва бошқа бир қатор энгилликлар қўлланилмаслиги билан алоҳида ажралиб туради.

МДХ давлатларининг аксариятида (Молдова, Грузия, Россия, Қозоғистон ва бошқалар) бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси фақатгина жиноятлар мажмуи ва оддий рецидив шакллари сақланган бўлса, баъзи давлатларда (Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон ва бошқалар) ҳар уччала тур ҳам сақлаб қолинган. Фикримча, шахс содир этган жинояти учун жавобгарликка тортилганидан сўнг уни қайта жиноят содир этиши унинг ҳолатини оғирлаштирадиганлиги ва шахс ҳар бир жинояти учун фақатгина бир маротаба жавобгарликка тортилишини таъминлаш лозим деб ҳисоблайман. Жумладан, бу натижага эришиш учун Жиноят ҳуқуқидан такрорий жиноят, хавфли рецидив жиноят ва ўта хавфли рецидив жиноят тушунчаларини чиқариб ташлаш билан эришиб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси
2. Ўзбекистон Республика Олий суд Пленумининг судининг “Бир неча содир этганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисидаги” ҳамда “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорлари
3. В.И.Ткаченко “Бир қанча жиноят содир этиш ва унинг жиноят ҳуқуқидаги шакллари” Казань, 1982 йил.
4. www.Vikipediya.ru

1 Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси “Адолаг” 2018 йил 16-бет.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 1-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.05.2023

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000